

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат
қилиш инспекцияси бошлиғи



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ УСТИДАН НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ҚОШИДАГИ
«АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ
2023 йил учун
БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини
бажарувчи ташкилот номи

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат
қилиш инспекцияси

Идоравий мансублиги

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

agroinspeksiya@exat.uz

СТИР

305540954

Ижроия органи раҳбари

А. Вахабов

Молиялаштириш ва хўжалик
бошқармаси бошлиғи

М. Хашимов

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот.

- 1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар).*
- 1.2. Ташкилий-ҳуқуқий шакли.*
- 1.3. Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти.*

II. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва Молиявий кўрсаткичлар.

- 2.1. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш).*
- 2.2. Жорий молиявий кўрсаткичлар.*
- 2.3. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси.*
- 2.4. Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози).*
- 2.5. Харажатлар, таннарх таҳлили.*
- 2.6. Даромадлар ва харажатлар сметаси.*
- 2.7. Давлат бюджетига тўловлар.*
- 2.8. Қарздорликлар.*
- 2.9. Кутилаётган молиявий натижалар ҳисоботи.*
- 2.10. Кутилаётган бухгалтерия баланси ҳисоботи.*

III. Экспорт ва импорт.

IV. Инвестиция лойиҳалари.

V. Маҳаллийлаштириш.

VI. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI).

VII. Асосий камчилик ва муаммолар.

VIII Таклифлар.

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Корхона реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 мартдаги ПҚ-4241-сонли қарори билан Марказ Инспекция билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги матнда - Инспекция) қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги матнда - Марказ)нинг Устави Инспекция бошлиғининг 2019 йил 19 июлдаги 3-сонли буйруғи билан (2021 йил 1 февралдаги С-3-сонли буйруғи билан янги таҳрири) тасдиқланган ва Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани давлат хизматлари марказидан юридик шахс сифатида 2019 йил 9 августда давлат рўйхатидан ўтказилиб, 751065-рақамли гувоҳнома олинган.

Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи давлат тилида:

тўлиқ номи - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси;

қисқартирилган номи - “Ўзагроинспекция” қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК.

тўлиқ номи - O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi "Agrosanoat majmuida xizmatlar ko'rsatish markazi" davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи - "O'zagroinspeksiya" qoshidagi "Agrosanoat majmuida xizmatlar ko'rsatish markazi" DUK.

1.2. Ташкилий-ҳуқуқий шакли

Фаолият тури Марказ ваколатлари ва аккредитация доирасига мувофиқ Агросаноат мажмуи маҳсулотлари (қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турдаги уруғлари ва кўчатлари, пахта толаси, момиғи, техник чигити, момиқ пахта, ёғ, маргарин, майонез, шрот, шелуха, хўжалик совуни, дон, дуккакли-дон ва мойли экинлар, уларнинг уруғлари, шунингдек ун, ёрма, кепак, оралиқ маҳсулотлар ва чиқиндилар ҳамда агросаноат мажмуининг бошқа маҳсулотлари - кейинги ўринларда маҳсулотлар деб юритилади) синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

маҳсулотларга мувофиқлик сертификати, сифат сертификатлари, синов баённомалари, таҳлил натижалари ва баҳолаш хулосалари бериш ишларини бажаришдан иборат.

Тармоқ: Агросаноат мажмуи маҳсулотлари синовларини ташкил этиш, ўтказиш ва уларга мувофиқлик сертификати, сифат сертификатлари, синов баённомалари, таҳлил натижалари ва баҳолаш хулосалари бериш.

Юридик манзили: Корхонанинг жойлашган ери (почта манзили): 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 27-уй.

1.3. Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти

Ушбу бўлимда корхона тўғрисидаги асосий маълумотлар, жумладан, фаолият йўналишлари, мақсади, умумий ҳолати, корхона фаолиятини яхшилаш бўйича кўрилатган чоралар ва бошқалар ёритилган.

Корхонанинг паспорти:

«Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК 2018 йилда тузилган.

Фаолият тури: пахта толаси, пахта момиғи, пахта техник чигити ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатлари, дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар синовларини ташкил этиш ва ўтказиш, сифат сертификатлари, синов баённомалари, таҳлил натижалари ва баҳолаш хулосалари бериш.

Ишчилар сони: 1 271 киши

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг жорий аҳволи: буюртмачиларга шартнома асосида хизмат кўрсатилади.

Устав капитали (минг сўмда): 7 468 706,94 минг сўм (етти миллиард тўрт юз олти миш саккиз миллион етти юз олти минг тўққиз юз қирқ сўм)лик асосий воситалар ва товар-моддий бойликларидан иборат.

Умумий ер майдони (га): 78 247 кв.м. (Тошкент шаҳрида Марказ ва 13 та ҳудудий филиаллар лабораториялари)

Маъмурий бино (кв.м.) 14 169 кв.м;

Ишлаб чиқариш майдони (кв.м.) йўқ;

Бўш турган жами майдони (кв.м.) йўқ;

Давлат улуши: 100 фоиз;

инфратузилмаси электр энергияси, газ ва ичимлик суви билан таъминланган.

СТИР: 305604153, ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки: х/р 20210000700904085001, АТБ Туронбанк Тошкент шаҳар, Юнусобод филиали.

Директор в.в.б Ф.И.Ш.: Ж.Д. Каримов

Директорнинг телефон рақами: (71) 244 87 50

Таъсисчи номи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзагроинспекция».

Марказнинг Уставининг янги таҳрири “Ўзагроинспекция” бошлиғининг 2021 йил 1 февралдаги С-3-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Марказнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг штатлар жадвали бўйича умумий чекланган сони 1 271 бирликка келишилган.

Ўрнатилган тартибда ходимлар сони, разряди ва тариф коэффициентлари (ойлик маоши миқдори) Инспекция (таъсисчи) раҳбарияти билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан тасдиқланган.

Бугунги кунда, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига умумий штатлар бирлиги 1 271 тани, уларнинг ойлик иш ҳақи фонди 4 070 789,0 минг сўмни ташкил этмоқда.

Жумладан:

- маъмурий бошқарув ходимлари 59 нафар (Марказда 30);
- мутахассислар 474 нафар (Марказда 74, филиалларда 400);
- ишлаб чиқариш ходимлари 70 нафар (Марказда 9, филиалларда 61, туманларда 396);
- техник ходимлар 170 нафар (Марказда 19, филиалларда 29, туманларда 122);
- хизмат кўрсатувчилар 97 нафар (Марказда 22, филиалларда 75).

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сонли қарори билан Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматлар солиқ солинадиган базага киритилмаслиги белгиланган ва Марказ Инспекция билан биргаликда 2019 йил 15 мартдаги ПҚ-4241-сонли қарори билан Бош прокуратураси ҳузуридан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига ўтказилган пайтда Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматларнинг солиқ солинадиган базага киритилмайдиган амалдаги тартиби сақланиб қолинган.

II. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва молиявий кўрсаткичлар

2.1. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)

Марказ сертификатлаш синовларини ўтказиш учун аккредитацияланган синов лабораторияларни ўз ичига олган кенг тармоққа эга корхона ҳисобланиб, унинг таркибига қуйидагилар киради.

А. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш йўналишида:

- Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаштириш идораси (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 29.04.2019 йил О'ЗАК.МS.0066-рақамли гувоҳнома);

- Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экинбоплик сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш учун аккредитациядан ўтган Марказий лаборатория (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 09.03.2020 йил О'ЗАК.СL.0078-рақамли гувоҳнома) ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий синов лаборатория (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 12.09.2022 йил О'ЗАК.СL.0235-рақамли гувоҳнома)лари;

- 1 та Хоразм ҳудудий синов лабораторияси;
- 11 та ҳудудий филиаллардаги шўъбалари;
- 69 та туман ва туманлараро уруғчилик лабораториялари мавжуд.

Б. Дон ва улардан қайта ишланган маҳсулотларни сертификатлаш йўналишида қуйидаги 2 та:

Дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни сертификатлаштириш органи (ОЗАК.МS.0041-сонли гувоҳнома билан 09.03.2021 йилда аккредитациядан ўтган);

Шунингдек, Дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни марказий синов лабораторияси (ОЗАК.СL.0168-сонли гувоҳнома билан 03.02.2022 й. аккредитациядан ўтган) ва 3 та марказий лабораториянинг ҳудудий филиаллари (Самарқанд, Андижон ва Қарши) ҳамда 9 та (Гулистон, Жиззах, Бухоро, Навоий, Шўрчи, Урганч, Қўқон, Наманган, Нукус) сифат сертификатларини бериш бўйича

махсус минтақавий лабораторияларни ўз ичига олади.

В. Лаборатория синов жиҳозларини метрологик аттестациядан ўтказиш

Марказда Метрологик аттестациялаш бўлими (UZAK.QL.0089-сонли гувоҳнома билан 23.02.2022 й. аккредитациядан ўтган) томонидан белгиланган аккредитациялаш соҳасига мувофиқ буюртмалар асосида лаборатория синов жиҳозларини ва ўлчаш воситаларини метрологик аттестациядан ва қиёслашдан ўтказиш хизмати кўрсатилиб, қиёслаш сертификати берилади.

Г. Пахта хом-ашёсини қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларни сертификатлаш йўналишида:

пахта хом-ашёсини қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларни, пахта толаси, линти (момиғи) ва момиқ пахта синовларини ўтказиш ишлари 13 та ҳудудий синов лабораторияларини ўз ичига олган сертификатлаштириш органи (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 31.08.2021 й. О'ZAK.MS.0045 рақамли гувоҳнома) томонидан;

- техник чигит сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун 122 та (Шундан 102 та пахта тозалаш корхоналаридаги ва 20 та ёғ-мой корхоналаридаги ёғдорликни аниқловчи) Чигит синов лабораторияларига эга бўлган марказий чигит лабораторияси (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 21.12.2021 й. О'ZAK.SL.0155 рақамли гувоҳнома) томонидан;

- Пахта толаси ва момиғини синовдан ўтказиш марказий Тошкент лабораторияси (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 28.03.2022 й. О'ZAK.SL.0181 рақамли гувоҳнома) томонидан сертификатлаш жараёнларини амалга оширади.

2.2. Жорий молиявий кўрсаткичлар

Марказнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида 2022 йил январь-сентябрь ойлари даромадлари ва октябрь-декабрь ойлари прогнозлари олинди.

2022 йил Бизнес режасининг таҳлилига кўра, белгиланган 76,7 млрд сўмлик режани 76,8 млрд сўмга ёки 100,1 фоизга бажарилиши кутилмоқда. Жумладан:

пахта йўналиши 44,9 млрд сўмлик режани 38,8 млрд сўмга ёки 86,3 фоизга;

уруғ йўналиши 25,7 млрд сўмлик режани 31,7 млрд сўмга ёки 123,3 фоизга;

дон йўналиши 6,1 млрд сўмлик режани 6,3 млрд сўмга ёки 103,4 фоизга;

ошириб бажарилиши кутилмоқда (1-жадвал).

**“Агросаноаг мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКнинг 2023 йил учун хизматлар кўрсатиш
РЕЖАСИ****

млн. сўм

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулотлар номи	2021 й. (факт)	2022 й. 10 ойлик (факт)	2022й.		2023 й. (режа)	Ўси ш, %	Жами тушум- (хизма т кўра- стиш) даги улуши	Шу жумладан			
				режа	кутила- ётган				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	I. Корхона бўйича											
1	Жами соф тушум (солиқларсиз)	85 808,9	63 155,7	76 769,2	76 850,0	77 105,1	100,4	100,0	18 922,4	13 017,7	19 626,7	25 538,2
	шу жумладан, маҳсулот тури бўйича											
1	Пахта толасини сертифицикациялаш	25 387,0	13 747,1	22 036,3	20 405,3	22 527,4	102,2	29,2	5 636,5	3 749,3	1 444,1	11 697,4
2	Пахта линти(момиғи)ни сертифицикациялаш	1 910,4	776,2	1 943,3	869,8	1 457,4	75,0	1,9	557,7	244,0	43,9	611,8
3	Техник чигитни сертифицикациялаш (конд)	18 068,6	10 793,8	18 872,4	15 798,8	14 840,6	78,6	19,2	5 025,5	2 877,8	1 209,2	5 728,1
4	Техник чигит ёғдорлигини аниқлаш (нетто)	2 304,6	885,5	1 987,3	1 105,7	1 247,7	62,8	1,6	422,9	233,3	71,9	519,6
5	Пахта бўйича бошқа хизматлар	819,3	575,4	122,0	640,6	432,0	354,1	0,6	28,0	7,0	323,0	74,0
6	Уруғлик чигитни сертифицикациялаш	7 437,4	6 658,9	6 386,0	6 677,7	6 464,4	101,2	8,4	5 477,5	986,9	0,0	0,0
7	Уруғлик донни сертифицикациялаш	14 182,4	14 418,2	14 050,5	14 418,2	14 114,1	100,5	18,3	0,0	0,0	10 460,2	3 653,9
8	Уруғлик бўйича бошқа хизматлар	8 999,4	9 452,5	5 271,1	10 623,9	9 271,4	175,9	12,0	823,5	2 229,1	4 066,7	2 152,1
9	Дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни сертифицикациялаш ҳамда бошқа хизматлар	6 699,7	5 848,1	6 100,2	6 309,9	6 750,2	110,7	8,8	950,7	2 690,4	2 007,8	1 101,3

2.3. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси

Кўрсатилаётган хизматлар бўйича 2022 йилга режалаштирилган ишлар ҳажмининг бажарилиши таҳлил қилинганида, дастлабки ҳисоб-китоблар ҳисобот йили якунида Марказнинг жами даромади 76,8 млрд сўмни, соф фойда 528,8 млн сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

2023 йил прогноз кўрсаткичларининг таҳлиliga кўра, йиллик кутилаётган даромад 77,1 млрд сўмни ташкил этиши ва йилни 560,7 млн.сўм соф фойда билан якунлаш режалаштирилмоқда.

Кўрсатиладиган хизматларнинг чорақлар давомида тақсимоти – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши ва уларни қайта ишлаш мавсумига мутаносиб равишда белгиланган.

Шунингдек:

- қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш бўйича асосий даромад йилнинг 1-чорагида уруғлик пахта чигитини сертификатлашдан, йилнинг 3-чорагида уруғлик дон (буғдой, арпа)ни сертификатлашдан олинishi;

- дон йўналиши бўйича йилнинг 3-чорагида товар дон (буғдой)ни сертификатлашдан олинishi;

- пахта маҳсулотларини сертификатлаш ишлари йилнинг 2-чораги охири ва 3-чораги бошида ҳосил йили мавсуми тугаши сабабли деярли 3 ой давомида умуман тўхташи ушбу даврларда Марказ даромадининг камайишига ўз таъсирини кўрсатади.

Келгуси 2023 йилда хизмат кўрсатишни 2022 йилга нисбатан 0,05 фоизга кўпайтириш ҳисобига 77,1 млрд сўм даромад олинishi режалаштирилди (2-жадвал).

2-жадвал
“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКнинг 2023 йил учун молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари
РЕЖАСИ

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар	2021й.	2022 й. 10 ойлик (факт)	2022 й (кутила- ётгани)	2023 й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	Жами даромад (солиқларсиз), шу жумладан: соф туғим	86 443,7	63 312,8	76 850,0	77 105,1	412,2	100,3	18 865,8	13 202,4	19 457,2	25 579,7
	бошқа даромадлар	631,6	152,2	152,2				18 865,8	13 202,4	19 457,2	25 579,7
	молиявий фаолиятдан бошқа даромадлари	3,2	4,9	4,9							
2.	Ишлаб чиқариш таннарихи	50 170,1	33 951,8	44 669,4	44 862,8	193,3	100,4	10 976,9	7 681,7	11 321,0	14 883,3
	хомашё ва материаллар	1 381,5	834,1	1 000,9	1 002,9	2,0	100,2	245,4	171,7	253,1	332,7
	энергия ресурслари	714,2	556,1	667,4	668,7	1,3	100,2	163,6	114,5	168,7	221,8
	Йиғи-хודимлар иш ҳақи	40 580,5	27 967,6	37 067,6	37 245,7	178,1	100,5	9 113,1	6 377,4	9 398,8	12 356,3
	ижтимоий солиқ харажати	4 869,7	3 356,1	4 448,1	4 457,0	8,9	100,2	1 090,5	763,2	1 124,7	1 478,6
	асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси	1 653,0	1 065,3	1 278,3	1 280,9	2,6	100,2	313,4	219,3	323,2	424,9
	бошқа харажатлар	971,2	172,6	207,2	207,6	0,4	100,2	50,8	35,5	52,4	68,9
3.	Давр харажатлари	35 759,8	24 761,0	31 648,0	31 676,2	28,2	100,1	7 750,4	5 423,8	7 993,4	10 508,6
	сотиш харажатлари	0,0				0,0					
	маъмурий харажатлар	8 921,3	5 097,0	7 677,7	7 779,2	101,5	101,3	1 903,4	1 332,0	1 963,1	2 580,8
	ҳомийлик ва безараз ёрдамлар					0,0					
	бошқа харажатлар	1 218,5	762,7	915,3	895,1	0,2	100,0	224,0	156,8	231,0	303,7
	бошқа операция харажатлар, шу жумладан:					0,0					
	Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2019 йил 575-сон қарорига асосан Инспекцияга 30 фоиз ажратма	25 620,0	18 901,3	23 055,0	23 001,9	-73,5	99,7	5 623,0	3 935,0	5 799,3	7 624,2
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2020 й. № ПФ 6099 -сонли Фармони					0,0					
4.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	1,0	3,1	3,8	5,4	0,0		1,3	0,9	1,4	1,8
	фоизлар шаклидаги харажатлар	0,0									
	валюта курси фарқидан зарарлар	0,0									

	молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	1,0	3,1	3,8	5,4		1,3	0,9	1,4	1,8
	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	512,8	4 597,0	528,8	560,7	31,9	106,0	96,0	141,5	186,0
5.	Фойда солиғи									
6.	Соф фойда/зарар	512,8	4 597,0	528,8	560,7	31,9	106,0	96,0	141,5	186,0
7.	EBITDA кўрсаткичи (млн. сўм / %)									
8.	Дебиторлик									
9.	Кредиторлик									

2.4. Даромадлар шаклланишининг асосий манбаси (нархлар прогнози)

Ўзбекистон республикаси молия вазирлигининг 2018 йил 28 августдаги КА/05-01-32/2084-сонли хатида кўрсатиладиган хизматлар нархлари (тарифлари)ни ўрнатилган тартибда амалдаги ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб белгиланиши кераклиги таъкидлаб ўтилган сабабли буюртмачиларга кўрсатиладиган хизмат ҳақи нархлари (тарифлари) қайта ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Ушбу нарх(тариф)ларни шакллантиришда 2020 йил августдан 2022 йил августга қадар оширилмаганлиги ҳамда Марказ рентабеллигини сақлаш ҳамда кўрсатиладиган хизматлар миқдори ва сифатини янада ошириш мақсадида атиги 0,22 фоизгача рентабеллик белгиланган.

3-жадвал

Марказда кўрсатиладиган хизматлар учун 2022 йилда тасдиқланган нархлар (тарифлар) тўғрисида

№	Хизмат кўрсатиш турлари	Ўлчов бирлиги	2022 йилда тасдиқланди			2022 йилги хизмат ҳақининг маҳсулот қийматига нисбати, %
			2020 йил * 4 августда тасдиқланди	2022 йил 31 августда тасдиқланди	Нархлар (тарифлар) нисбати	
	Пахта маҳсулотларини сертификатлаш бўйича					
1	Пахта толасини сертификатлаш	кип	14 203	16 970	119%	0,36
2	Пахта линти (момиғи) ни сертификатлаш	кип	6 168	7 480	121%	0,31
3	Техник чигитни сертификатлаш	тонна	15 921	16 810	106%	0,24
4	Техник чигит ёғдорлигини аниқлаш	тонна	3 040	3 545	117%	0,05
	Пахта ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш бўйича					
5	Уруғлик донни сертификатлаш	тонна	48 970	48 970	100%	0,75
6	Уруғлик пахта чигитини сертификатлаш	тонна	108 053	108 053	100%	0,61
	Дон ва улардан қайта ишланган маҳсулотларни сертификатлаш					
7	Товар донни сертификатлаш	тонна	927	1 098	118%	0,03

2021 йил ҳосили учун маҳсулотларни синовдан ўтказиш ва сертификатлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар нархлари (тарифлари) 2022 йил сентябрь ойида ишлаб чиқилган ва тасдиқланиб, барча буюртмачиларга етказилган.

Буюртмачиларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақини янада арзонлаштириш мақсадида, Марказда товар-моддий қимматликлари ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳисобига 2021 йил ҳосили маҳсулотларини синовдан ўтказиш ва сертификатлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун амалдаги, яъни 2022 йил август ойида ишлаб чиқилиб, тасдиқланган атиги 0,22 фоиз рентабеллик белгиланган нархлар (тарифлар) қайтадан ишлаб чиқилди.

Ушбу нарх(тариф)ларни шакллантиришда пахта йўналиши бўйича толани сертификатлаш ҳар тойи (кипи) учун 16 970 сўм хизмат ҳақи белгиланиб, маҳсулот қийматининг атиги 0,36 фоизини, линт (момик)ни сертификатлаш ҳар тойи (кипи) учун 7 480 сўм хизмат ҳақи белгиланиб, маҳсулот қийматининг 0,31 фоизини, техник чигитни сертификатлаш ҳар тоннаси учун 16 810 сўм хизмат ҳақи белгиланиб, маҳсулот қийматининг 0,24 фоизини ва техник чигит ёғдорлигини аниқлашда ҳар тоннаси учун 3 545 сўм хизмат ҳақи белгиланиб, маҳсулот қийматининг 0,05 фоизини ташкил этган ҳолос.

4-жадвал

Кўрсатиладиган хизматлар учун 2022 йилда шакллантирилган хизмат ҳақи нархлари (тарифлари)да харажатлар улуши тўғрисида

№	Хизмат кўрсатиш турлари	2022 йил ҳосили нархлари	Шу жумладан							
			Иш ҳақи ва ЯИТга		Материал харажатлар		Инспекцияга 30 % ажратма		Бошқа харажатлар	
			миқдори	фоизи	миқдори	фоизи	миқдори	фоизи	миқдори	фоизи
1	Пахта толасини сертификатлаш	16 970	8 734,6	51,5	466,3	2,8	5088,5	30,0	2680,6	15,7
2	Пахта линти(момиғи)ни сертификатлаш	7 480	3 603,6	48,2	168,9	2,3	2246,6	30,0	1460,9	19,5
3	Пахта техник чигитини сертификатлаш	16 810	8 595,0	51,1	644,7	2,9	5044,6	30,0	2687,2	16,0
4	ЯМР-анализаторида техник чигит ёғдорлигини аниқлаш	3 545	1 905,8	53,8	136,0	3,8	1061,9	30,0	441,4	12,4
5	Уруғлик чигитни сертификатлаш	108 053	60 729,5	56,2	2934,5	2,7	32416,0	30,0	11973,4	11,1
6	Уруғлик донни сертификатлаш	48 970	30 545,9	62,4	913,9	1,9	14691,1	30,0	2819,2	5,7
7	Товар донни сертификатлаш	1 098	566,9	51,7	30,0	2,7	329,5	30,0	171,2	15,6

Соф фойдани тақсимлаш

млн.сўм

№	Йўналишлар	Улуши, %	2021й. якуни	2022й. (кутила- ётган)	2023 й. (режа)	шу жумладан,			
						1- чорак	2- чорак	3- чорак	4- чорак
	Соф фойда	100%	512,8	528,8	560,7	0	0	0	560,7
1.	Дивиденд учун жами,								
	шу жумладан								
	имтиёзли акцияларга								
	оддий акцияларга,								
	шундан:								
	давлат улушига	75	384,6	396,6	420,5				420,5
2.	Инновацион ривожлантириш фондига								
3.	Захира фондига								
4.	Корхонани ривожлантириш учун	25	128,2	132,2	140,2				140,2
5.	Бошқа мақсадларга								

I. Иш хақи тўлаш тизими

млн.сўм

№	Ишчи-хизматчилар	2022 й. (кутилаётган)						2023 й. (режа)						Ўсиш, %
		Ўртача ишчи- лар сони	Иш хақи миқдори (қатъий белгиланган)	Байрам пуллари	Иш хақиға уста- малар	Мукофот пуллари	СМК	Ўртача ишчилар сони	Иш хақи миқдори (қатъий белгиланган)	Байрам пуллари	Иш хақиға уста- малар	Мукофот пуллари	СМК	
	Жами	1 271	28 968,9	5 188,5	5 620,8	3 459,0		1 271	29 236,0	5 236,3	5 672,7	3 490,9		100,9
I.	Бошқарув органлари													
1.	Кузатув кенгаши													
	Ижроия органи													
	Ижроия органи раҳбари													
	Ижроия орган аъзолари													
II.	Назорат органлари													
	Тафтиш комиссияси													
	Ички аудит													
2.	Саноат-ишлаб чиқаришдаги ишчи-хизматчилар	1 043	19 562,3	3 040,4	3 619,2	2 085,9		1 043	19 742,6	3 068,5	3 652,5	2 105,1		100,9
3.	Маъмурий бошқарув ходимлари	59	2 958,9	1 018,5	826,3	689,8		59	2 986,2	1 027,9	833,9	696,2		100,9
4.	Техник ходимлар	169	6 447,7	1 129,5	1 175,4	683,2		169	6 507,2	1 139,9	1 186,2	689,5		100,9

2.5. Харажатлар, таннарх таҳлили

Кўрсатилаётган хизматлардан 2023 йил давомида жами 77,1 млрд сўм даромад олиниши ва унга 44,9 млрд сўм таннарх харажатлари сарфланиши кутилмоқда.

Ушбу таннарх харажатларининг 41,7 млрд сўмини ёки 92,8 фоизини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда 3,2 млрд сўмини ёки 7,2 фоизини материал, коммунал ва бошқа харажатлар ташкил этмоқда.

Кутилаётган 2022 йил давомида кўрсатилиши белгиланган 76,8 млрд сўмлик хизматлар учун йиллик сарфланиши режалаштирилган харажатлар доирасида маблағлар ҳаракатини муддатлар ва харажат турлари ўртасида ўзгартириш ҳуқуқи берилади.

2.6. Даромадлар ва харажатлар сметаси

Марказда даромадлар ва харажатлар сметаси кўрсатиладиган хизмат ҳақи нархлари (тарифлари)ни шакллантириш жараёнида ишлаб чиқилади ва нархлар (тарифлар) реестри тасдиқланади.

Даромадлар ва харажатлар сметаси асосий хизмат кўрсатиш турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сонли қарори талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 249-сонли қарори 2-илоvasи билан тасдиқланган Нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари реестрига киритилмаган.

Шу муносабат билан Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақи нархлари (тарифлари) ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқилади ва мустақил равишда тасдиқланади.

2.7. Давлат бюджетига тўловлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 мартдаги ПҚ-4241-сонли қарори билан Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматларнинг солиқ солинадиган базага киритилмайдиган амалдаги тартиби сақланиб қолинган.

Давлат бюджетиға тўловлар

млн сўм

№	Тўловлар	2021й.	2022 йил.		2023 йил.	Ўзгариш		Шу жумладан			
			10 ойлик (факт)	(кутилаётган)		(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	Жами	11 627,6	8 129,7	10 064,3	10 096,0	31,7	100,3	2 452,3	1 720,5	2 537,6	3 385,5
1	Эгри солиқлар,										
	шу жумладан:										
	ҚҚС	197,3	50,4	96,1	64,8	-31,3	67,4	15,8	11,0	16,2	21,8
	Акциз										
2	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ										
3	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	3,9	3,9	4,7	4,9	0,1	102,8	1,2	0,8	1,2	1,6
4	Фойда солиғи	155,5		396,6	420,5	23,9	106,0	102,9	71,5	105,3	140,8
5	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи,	5 485,2	3 749,6	4 448,1	4 457,0	8,9	100,2	1 081,7	759,7	1 119,9	1 495,8
6	Ижтимоий солиқ	5 486,2	3 768,6	4 448,1	4 457,0	8,9	100,2	1 081,7	759,7	1 119,9	1 495,8
7	Мол-мулк солиғи	56,1	308,5	370,2	378,2	8,0	102,2	91,8	64,5	95,9	126,0
8	Ер солиғи	198,0	217,5	261,0	272,0	11,0	104,2	67,0	46,2	68,8	90,0
9	Айланмадан олинадиган солиқ										
10	Давлат божи ва йиғимлар	45,6	31,3	39,5	41,7	2,2	105,5	10,4	7,1	10,4	13,8
11	Бошқа солиқлар										

2.8. Қарздорликлар

Марказда хизматлар кўрсатиш сифати ва кўлами кенгайганлиги сабабли буюртмачилар сони ҳам кўпаймоқда. Шу боис кўрсатилган хизматлар учун тақдим этилган ҳисоб-вароқ фактуралар бўйича тўловларни амалга оширишда айрим буюртмачилар томонидан хизмат ҳақини тўлаб берилиши кечиктирилмоқда.

Жумладан, жорий йил бошига Марказнинг дебитор қарздорлиги жами 23,7 млрд сўмни (шундан муддати ўтгани 8,4 млрд сўмни) ташкил этган.

Марказий аппарат, Қорақалпоғистон Республикаси ва филиаллар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари томонидан олиб борилган саъй ҳаракатлар ҳисобига ойма-ой кўрсатилган хизматлар учун буюртмачиларга ҳисоб-вароқ фактуралар тақдим этилиб, маблағлар ундирилиши таъминланмоқда. Йил якунига жорий йил IV чорагида кўрсатилган хизматлар ҳисобига жами 15,1 млрд сўм (шундан муддати ўтгани 1 млрд 251 млн сўм) дебитор қарздорлик қолиши кутилмоқда.

8-жадвал

Кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври бошига	Шу жумладан			
			01.04.2022й	01.07.2022й	01.10.2022й	01.01.2023й
1	Дебиторлик қарздорлик жами,	23 745,1	25 104,8	22 698,0	23 020,8	18 112,0
	шу жумладан:					
	муддати ўтган қарздорлик, шундан	8 438,0	7 299,0	11 639,7	9 244,1	7 251,0
	умидсиз қарздорликлар					
2	Кредиторлики қарздорлик жами,	440,7	475,5	402,2	417,4	152,0
	шу жумладан:					
	муддати ўтган қарздорлик					

2.9. Қутилаётган молиявий натижалар ҳисоботи

2023 йилда олиниши режалаштирилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум 77,1 млрд сўм даромаднинг:

сотилган маҳсулот(товар, иш ва хизмат)лар таннарх харажатлари - 44,9 млрд сўмни ёки 58,2 фоизини;

давр харажатлари – 31,7 млрд сўмни ёки 41,1 фоизини, шундан: 23,0 млрд сўми ёки 72,6 фоизи Инспекция жамғармасига ажратма ва 8,7 млрд сўми ёки 27,4 фоизи бошқа харажатларни;

Даромад (фойда) солиқ тўлагунга қадар фойда - 560,7 млн сўмни 0,07 фоизни, ҳисобот даврининг соф фойдаси 560,7 млн сўмни ташкил этмоқда.

Рентабеллик даражаси 0,7 фоиз.

2.10. Кутилаётган бухгалтерия баланси ҳисоботи

Актив

Асосий воситалар

Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати – 35 млрд 088 млн сўм.

Эскириш суммаси – 26 млрд 784 млн сўм.

Қолдиқ (баланс) қиймати – 8 млрд 304 млн сўм

Товар-моддий заҳиралари – 834 млн сўм

Келгуси давр харажатлари – 29 млн сўм

Дебиторлар

Дебиторлар – 18 млрд 553 млн сўм

Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи – 18 млрд 553 млн сўм

Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари – 93 млн сўм

Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари – 45 млн сўм.

Пул маблағлари

Асосий ҳисоб-рақамдаги пул маблағлари – 5 млрд 841 млн сўм.

Чет эл валютасидаги пул маблағлари – 57 млн сўм.

Бошқа пул маблағлари – 1 млрд 599 млн сўм.

Пассив

Устав капитали – 7 млрд 468 млн сўм

Резерв капитали – 820 млн сўм

Тақсимланмаган фойда – 3 млрд 927 млн сўм

Мақсадли тушумлар – 1 млрд 420 млн сўм

Жорий мажбуриятлар

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз - 75 млн сўм

Шўъба ва қарам хўжаликларига қарздорлик – 11 млрд 891 млн сўм

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз – 2 млрд 837 млн сўм

III. Экспорт ва импорт

Марказда буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида аккредитация доирасига мувофиқ маҳсулотларга мувофиқлик сертификати ва сифат сертификатлари бериш, яъни хизмат кўрсатишдан даромад олинади.

IV. Инвестиция лойиҳалари

2023 йилда Марказ томаонидан инвестиция лойиҳаларини ўзлаштириш назарда тутилмаган

V. Маҳаллийлаштириш

Марказ фаолияти давомида маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмаган.

VI. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

9-жадвал

6.1. Асосий самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг салмоқ ўлчови режаси

№	Кўрсаткичлар	1 чорак	1-ярим йиллик	9 ойлик	йиллик
1.	Соф тушум прогноз кўрсаткичининг бажарилиши	18 865,8	32 068,2	51 525,4	77 105,1
2.	Соф фойда (зарар) прогноз кўрсаткичининг бажарилиши	137,2	233,2	374,7	560,7
3.	Активлар рентабеллиги (фоизда)	0,01	0,01	0,01	0,01
4.	Маҳсулот таннархини камайтириш (белгиланган топширикка нисбатан фоизда)	0,01	0,01	0,01	0,01
5.	Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти				
6.	Қоплай олиш коэффиценти (тўлов қобилияти)	2,24	2,43	2,14	2,23
7.	Молиявий мустақиллик коэффиценти	1,73	2,00	1,60	1,37
8.	Дивиденд ҳисобланиши	0,0	0,0	0,0	0,0
9.	Экспорт параметрларининг бажарилиши (белгиланган топширикка нисбатан фоизда)	0,0	0,0	0,0	0,0
10.	Маҳаллийлаштириш индикаторининг бажарилиш (фоизда)	0,0	0,0	0,0	0,0
11.	"Инвестиция дастурларининг бажарилиши (фоизда) (в % к установленному заданию)"	0,0	0,0	0,0	0,0
12.	Чет эл валютасидан мустақиллик коэффиценти	0,0	0,0	0,0	0,0
13.	Акциядор инвестициясининг рентабеллиги (TSR – Total Shareholders Return)	0,0	0,0	0,0	0,0

10-жадвал

6.2. Қўшимча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг салмоқ ўлчови режаси

№	Кўрсаткичлар	1 чорак	1-ярим йиллик	9 ойлик	йиллик
1.	Солиқлар ва бошқа фоиз тўловлари амалга оширилгунга қадар олинган фойда (EBIT – Earnings Before Interest, Taxes)				
2.	Солиқлар ва амортизациялар ҳамда бошқа фоиз тўловлари амалга оширилгунга қадар олинган фойда (EBITDA — Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization)				
3.	Харажатлар ва даромадлар нисбати (CIR — Cost Income Ratio)				
4.	Жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE - Return on Capital Employed)				
5.	Акциядор капиталининг рентабеллиги (ROE — Return On Equity)				

6.	Абсолют ликвидлик коэффициенти	0,42	0,29	0,51	0,51
7.	Кредитор қарздорликнинг кунлик айланмаси	50,4	50,0	65,1	76,2
8.	Дебитор қарздорликнинг кунлик айланмаси	89,2	104,4	103,2	120,7
9.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	0,78	0,79	0,78	0,77
10.	Меҳнат унумдорлиги	23,4	41,0	62,0	94,7
11.	Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти	0	0	0	0
12.	Фонд қайтими	5,0	9,0	13,4	18,5
13.	Сотилган маҳсулотнинг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотнинг улуши				
14.	Корхонанинг умумий харажатларидаги инновацион фаолиятга ажратилган харажатлар улуши				
15.	Ходимларни ўқитиш харажатлари, битта ходим ҳисобида	0,00	0,02	0,00	0,00
16.	Ходимлар қўнимсизлиги коэффициенти	1,39	1,43	1,35	1,38
17.	Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш кўрсаткичларининг бажарилиш индикатори (эълон қилинган физик ҳажмга нисбатан, %да)				
18.	Энергосамарадорлик (маҳсулот таннархида энергияга сарфланган харажатлар улуши, фоизда)	0,02	0,02	0,02	0,02

VII. Асосий камчилик ва муаммолар

I. Норматив ҳуқуқий базани такомиллаштириш

7.1 Пахта йўналиши бўйича

7.1.1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сонли қарорига асосан пахта тозалаш заводларидан юклаб жўнатилаётган техник ва уруғлик чигитнинг барча туркумларини уларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобга олинишига қўмаклашувчи сертификатланишини таъминлаш белгиланган, лекин ушбу қарор ижроси **тўлиқ таъминланмаган**.

7.1.2. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сонли қарорида белгиланган пахта мойи чиқиши нормативлари ҳар йили селекция навлари чигитнинг “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан аниқланадиган ёғдорлиги ҳисобга олинган ҳолда ҳисобланиши белгиланган, лекин бугунги кунда республикамиздаги қарийб 80 дан ортиқ ёғ-мой корхоналари томонидан Ҳукуматнинг ушбу қарори ижроси таъминланмаган.

7.2. Уруғчилик йўналиши бўйича:

7.2.1. Ўзбекистонда “Уруғчилик тўғрисидаги” Қонун жорий қилинган бўлса-да, аммо унинг ижроси, яъни 28-моддада келтирилган талаблар Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқарма ҳамда божхона масканлари томонидан бажарилмаяпти.

Бунда, Қонунда белгиланган уруғликларнинг мувофиқлик сертификати ва фитосанитария сертификати, шунингдек карантин рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда, уруғликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга йўл қўйилиши кўрсатилган бўлса-да, аммо хориждан Ўзбекистон ҳудудига импорт (олиб кирилаётган) қилинаётган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг барчаси (пахта чигити ва буғдойдан ташқари), жумладан, мева-сабзавот, полиз, донли, дуккакли, мойли, эфирмойли, ем-ҳашак, техник ва гул экинлари уруғларининг барча

турлари наводорлик ва экинбоплик сифат кўрсаткичлари текширилмасдан ва сертификатланмасдан Божхона қўмитаси томонидан божхона масканлари орқали Ўзбекистон ҳудудига реализация қилинишига рухсат берилиши оқибатида қонунбузулиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Шунингдек уруғлик ғалла майдонларини апробация кўригидан ўтказишда вилоят ва туман апробация комиссиялари томонидан муддатларга риоя қилинмаслиги, касалланган ғалла майдонларини уруғликка ўтказиб юборилиши, апробация далолатномалари нотўғри расмийлаштирилиши, авлоддан - авлодга қолдирилиши каби хатоликларга йўл қўйилмоқда.

7.3. Дон йўналиши бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 31 мартдаги “Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 99-сон қарори билан тасдиқланган “Дон хавфсизлиги тўғрисида. Умумий техник регламент.”нинг 8 ва 8а-иловаларида озиқ-овқат мақсадлари ва озиқлантириш учун мўлжалланган дон таркибидаги зарарли аралашмаларнинг рухсат этилган максимал даражаларидаги меъёр кўрсаткичлари аниқ белгиланган.

Лекин, ҳозирги кундаги амалиётда Санитария-эпидемиология хизматлари томонидан расмийлаштириб берилаётган санитария-эпидемиологик ҳулосалари ва унга ҳавола қилинган синов баённомаларида дон таркибидаги зарарли аралашмалари белгиланган меъёрлар кўрсаткичларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича синовлар (таҳлил) **амалга оширилмасдан келинмоқда.**

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийлиги белгиланган.

VIII Таклифлар

8.1.1. Пахта техник чигитини сертификатлашни Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январдаги 43-сонли қарори билан тасдиқланган “Мажбурий тартибда сертификатладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати”га киритиш.

8.1.2. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сонли қарорига қўшимча равишда мулкчилик шаклидан қатъий назар техник чигитни ёғдорлик кўрсаткичларини аниқлаш “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилиши белгилаб бериш.

8.2. Уруғчилик йўналиши бўйича.

8.2.1. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини наводорлик ва экинбоплик сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича Марказий, ҳудудий ва туман уруғчилик лабораторияларини янги ва замонавий ўлчов воситалари ва синов қурилмалари ҳамда уруғчилик базасини ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш талаб этилади.

8.2.2. Апробация комиссиялари таркибидаги бош апробатор ва апробаторларни Марказ томонидан ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда уларга белгиланган тартибда махсус сертификат беришни йўлга қўйиш зарур.

8.2.3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТІКА) кўмагида қишлоқ

хўжалигида уруғчилик, сертификатлаштириш ва нав синаш соҳаларида 2023 йилда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳа доирасида Марказий уруғчилик лабораториясини халқаро ISTA талаблари бўйича лаборатория ўлчов воситалари ва синов қурилмалари билан таъминлаш, ISTA аккредитациясидан ўтказиш ва ходимларни уруғчилик ва селекция йўналишида малакасини оширишни ташкил этиш.

8.3. Дон йўналиши бўйича.

8.3.1. Марказ мутахассислари Республикамизда фаолият юритаётган барча дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда экспорт-импорт қилувчи ва ишлаб чиқарувчи жисмоний ва юридик шахсларда давра суҳбатлари ўтказилишини ташкил этиш ва бунда асосий мақсад қилиб, дон таркибидаги зарарли аралашмалари миқдори белгиланган меъёрлар кўрсаткичларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича синовлар (таҳлил) ўтказилганлигини ўрганиб, бу борада амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар ва унинг оқибатлари бўйича тегишли тушунтиришлар бериш ишларини ташкил қилиш.

Ишлаб чиқувчилар:

Директор в.в.б.




Ж. Каримов

Директор ўринбосари




С. Садуллоев

Директор ўринбосари



Ш. Пазилов

Директор ўринбосари в.в.б.



У. Жавбуриев

Бош ҳисобчи-Ҳисоб-китоб ва ҳисобот
бўлими бошлиғи



Б. Омонов

Режалаштириш ва иқтисодий таҳлил
бўлими бошлиғи в.в.б.




С. Абдурахманов

Юридик бюро бошлиғи



Б. Ирмагов



М. Кашимов
(М. Кашимов)

М. Курбанов
(М. Курбанов)

К. Ахмедов
(К. Ахмедов)

М. Муродов
(М. Муродов)

А. Юсупов²⁴
(А. Юсупов)